


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ДИПЛОМАТИКА

Г. Таниева

Эрназар Мақсуднинг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти
(Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида)

Ўрта Осиё мусулмонлари ўрта асрларда ҳажга уч йўналишда: Шимолий – Россия империяси орқали, Марказий – Эрон ҳудуди орқали ва Жанубий – Ҳиндистон ва араб денгизи орқали ўтган йўллар билан Маккага етиб борганлар. Зиёратчиларнинг бу йўллардан ўтиши учун турли давлатлар томонидан сиёсий вазиятга қараб, айрим вақтларда рухсат берилган, баъзан эса таъқиқланган. Зиёратчилар қатновининг қандай бўлиши кўпинча давлатлар ўртасидаги халқаро элчилар хизматига боғлиқ бўлган. Ҳаж йўлларида зиёратчилар қатновидаги турли таъқиқ ва тўсиқларни бартараф этиш масаласида ўртаосиёлик элчилар фаол бўлганлар ва бу ҳақдаги маълумотлар тарихий ҳужжатларда сақланиб қолган.

Маълумки, XV–XVI асрларда Россия билан Ўрта Осиёни боғлаган асосий йўл Астрахан [1] шаҳри орқали ўтган эди, шимолий йўналишда Маккага сафар қилган Ўрта Осиё ҳаж зиёратчилари ҳам кўпинча ана шу йўлдан ҳаракатланган. 1743 йилда Оренбург[2] шаҳри бунёд этилгач, Ўрта Осиё билан Россия шаҳарларини боғлаган йўл анча қисқарган. Хива хони Ғоибхон Ботир ўғли (1746–1756) томонидан Шербек исмли шахс 1750 йилнинг 25 апрелида ҳаж йўли масаласини ижобий ҳал этиш учун Оренбург

[1] Астрахан – XIII асрда Волга дарёсининг қуйи оқими чап қирғоғида Ҳожи Тархон қишлоғи ўрнида пайдо бўлган шаҳар. XV аср ўрталаридан Астрахан хонлигининг маркази. XVI аср ўрталарида Россия томонидан босиб олинган ва Астрахан губерниясининг маъмурий маркази бўлган. То XVIII аср ўрталаригача Ўрта Осиё билан Россия шаҳарларини боғлаган асосий савдо ва шимолий ҳаж йўли ҳисобланган. [5: 148–150]

[2] Оренбург – 1743 йилда дастлаб Россия империясининг ҳарбий қалъаси сифатида бунёд этилган. Шаҳарнинг номи Орь дарёси номидан олингани. У Россия империяси даврида шаҳар-қалъа, Оренбург губерниясининг маъмурий маркази ҳисобланган, бу ерда энг йирик божхона постларидан бири ташкил этилган. Ўртаосиёлик савдогарлар, элчилар қаторида ҳаж зиёратчилари ҳам асосан шу божхонада руйхатдан ўтказилган. [10: 14–15].

губерниясининг биринчи губернатори И.И. Неплюев (1744–1757) ҳузурига элчи қилиб юборилади. У нафақат Хивадан Оренбургга келган элчилар ичида, балки айнан бу шаҳардан ўтган ҳаж йўли масаласини кўтарган элчиларнинг ҳам биринчиси бўлган. Элчи Шербек Маккага ҳажга бораётган хивалик зиёратчилар учун Астрахан орқали ўтишларига рухсат сўрайди [6: 219]. Элчининг шу масалада мурожаат қилиш учун Петербургга Ташқи ишлар коллегиясига бориш учун ижозат берилмаган бўлса-да, хиваликларнинг ҳажга Астрахан орқали ҳаракатланиши учун губернатордан рухсат олишга эришади.

Россия империяси Ташқи сиёсати архивининг турли фондларида бу масалага доир кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Масалан, архивнинг "Сношения России с Хивой" ("Россиянинг Хива билан алоқалари") фондидаги ҳужжатлардан 1751 йил июлда Хива элчиси Нуриллабойнинг хоннинг расмий мактубини Петербургга олиб боргани, хатда хиваликларнинг Макка зиёрати мақсадида Россия шаҳарлари орқали Усмонийлар давлати (1299–1922) ҳудудига ўтишлари учун рухсат сўралгани ҳақидаги маълумотларни ўқиш мумкин. Бу тарихий ҳужжатлар мазмунидан 1751 йил 10 сентябрда Россия императорининг Елизавета Петровна (1709–1761; ҳукмронлик йиллари 1741–1761) шу хатда сўралган илтимосга биноан Астрахан ва Оренбург Генерал-губернаторларига хиваликларнинг ҳаж зиёрати учун Россия шаҳарларидан ўтиб кетишларига рухсат беришлари ҳақида буйруқ жўнатгани аён бўлади [1: л. 5–15].

Россия ҳаж йўли масаласида Бухоро хони Абулғозихон (ваф. 1795–96; ҳукмронлик йиллари 1758–1785) номидан ҳам элчилар юборилган бўлиб, улардан бири XVIII аср иккинчи ярмида яшаган савдогар Мулла Эрназар Мақсуд ўғли саналади. Тарихий маълумотлар кўра, Мулла Эрназар Мақсуд ўғли жуда кўп марта ҳам савдо иши билан ҳам расмий элчи сифатида Россия императорлари ҳузурида бўлган. Хусусан, 1762 йилда савдо иши юзасидан расмий элчи сифатида қозоқ хони Нуралихон (1710–1790; ҳукмронлик йиллари 1748–1786) номидан Петр III (1728–1762; ҳукмронлик йиллари 1761–1762) ҳузурида, Бухоро хони Абулғози Муҳаммад Баҳодирхон номидан 1774–1775 йилда биринчи марта, 1779–1780 йилда иккинчи марта Екатерина II (1729–1796; ҳукмронлик йиллари 1762–1796) саройида бўлган. Масалан, Россия империяси Ташқи сиёсат архиви фондида 1762 йилнинг 6 июнида Россия Ташқи ишлар коллегияси канцеляриясида рўйхатга олинган бир ҳужжатда ёзилишича, у 1745 йилдан бошлаб, узоқ йиллар давомида Россияга савдо иши билан қатнаб келган ва императорларнинг топшириғига бинаоан, элчининг таъбири билан айтганда, *"ҳаёти ва маблағини аямасдан"*, Бухоро, Ҳинд, Хуросон ва бошқа ҳавфли жойларда бўлган ва уларнинг буюртмаларини келтириб турган. У 35 йил давомида, яъни умрининг охиригача Россия

императорлари, айниқса Елизавета (1741–1761) ва Екатерина II билан савдо иши юзасидан фаол ҳамкорлик қилиб келган [2: л. 4–5].

Унинг ҳаж йўл масаласига доир фаолияти Россия империясининг Ташқи сиёсат архивида сақланаётган айрим ҳужжатларда ўз аксини топган. Мазкур элчиликка доир расмий ҳужжатлар жамланмаси жилдларида Мулла Эрназар Мақсуд ўғлининг император саройига икки марта элчи бўлиб келгани "Эрназар Мақсуд ўғлининг биринчи элчилиги", "Эрназар Мақсуд ўғлининг иккинчи элчилиги" жумлалари орқали қайд этилган [2: л. 1; 3: л. 1].

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу икки элчиликдан олдин, яъни 1762 йилда Мулла Эрназар Мақсуд ўғли Санкт–Петербургга Петр III ҳузурига қозоқ хони Нуралихон номидан элчи бўлиб келган эди, яъни унинг собиқ император Елизаветта номига Эмба ва Ёйиқ дарёлари оралиғида чорва боқиш масаласида ўзаро келишиб олиш мақсадида ёзган хатини олиб келган эди. Шу билан бирга Эрназар Мақсуд ўғли ўзининг Петр III номига бутун Бухоро мусулмонлари номидан ҳаж масаласида ёзган мактубини ҳам топширади. Элчи имперторни тахтга ўтиргани билан табриклаб, собиқ император Елизаветта топшириғи билан Ҳиндистон, Бухоро, Хива, Хуросон ва бошқа хавфга тўла жойларда бўлгани ҳақида баён қилади. Хатдан мақсад Макка зиёратига учун Астраханга келиб-кетишда эркин ҳаракатланишга императордан рухсат олиш ҳақидаги *"Бухоро халқининг буюк илтимосини етказиш*" бўлган. Ҳамда серқатнов бўлган – ҳам Оренбург, ҳам Манғишлоқ йўлларидан зиёратчиларнинг бехавотир ўтишларини кафолатловчи давлат муҳри туширилган расмий рухсатнома берилиши сўралган [2: л. 6].

Қизиғи шундаки, архивдаги "Сношения России с Бухорой" ("Россиянинг Бухоро билан алоқалари") фондида Петр III нинг талабига кўра Санкт Петербургдаги ҳукумат канцеляриясы томонидан императорга жўнатилган Эрназар Мақсуд ўғлининг бу хати мазмуни, мақсади ҳақидаги маълумотнома ҳам сақланади. Унда Эрназар Мақсуд ўғли императордан бухороликларнинг Макка сафари учун Россия шаҳарлари орқали ўтишга рухсат сўрагани айтилади ва у келгунга қадар, яъни 1762 йилгача Россия империяси ҳудудидан зиёратчиларнинг Макка томонга ўтишига рухсат берилмагани, 1751 йилда Астраханга келган хивалик элчи (бу ҳужжатда номи ёзилмаган) ҳам Макка зиёратига йўл олган хиваликларнинг Астрахан орқали ўтишлари учун ижозат сўрагани, бу илтимос ҳам рад этилгани ҳақида баён қилинган. Россия ҳукуматининг бундай йўл тутишига Хива хонлигининг ўша вақтда Сафавийлар (1501–1785) давлатига қарам бўлгани сабаб қилиб кўрсатилади [2: л.11]. Чунки Сафавийлар ҳукмдори Нодиршоҳ Афшор (1688–1747; ҳукмронлик йиллари 1736–1747) 1740 йилда Хоразмни босиб олгач, у ерда ўзига итоаткор бир нечта шахсларни хон сифатида ҳукмронликка тайин этган. Бу элчининг Хивадан Астраханга келган вақтида хонликда

Нодиршоҳнинг розилиги билан Ғоибхон (1745–1756) ҳукмдор сифатида тахтда ўтирган эди. Россия ҳукумати Сафавийларга ярим қарам давлат (Хива) билан элчилик муносабатларини ўрнатишни истамаган эди. Ҳужжатда айтилишича, ўша вақтда, яъни, 1751 йилда Астрахан губернатори, махфий маслаҳатчи И.Брилкинга пойтахтдан хиваликларнинг ҳажга бу йўл орқали ўтиши хавфли эканини *“баҳона қилиши”*очиқчасига айтилиб, уларга рухсат бермаслиги буюрилган. Шунингдек, Усмоний турклар томонидан жўнатилган айғоқчиларнинг ўртаосиёлик ҳаж зиёратчилари ниқоби остида рус шаҳарларида махфий маълумот тўплашга уринишлари ушбу таъқиқнинг асосий сабаби сифатида эътироф этилган [2: л.11].

“Эрназар Мақсуд ўғлининг иккинчи элчилиги”га доир йиғма жилддаги ҳужжатларда унинг ўғли Муҳаммадшариф билан бирга 1779 йилда Петербургга келгани ва бу сафар бир йўла икки давлатга – аввал Россияга, кейин у орқали Усмонийлар султони Абдулҳамид I (1725–1789; ҳукмронлик йиллари 1773–1789) ҳузурига элчи сифатида жўнатилгани қайд этилган. Элчилик миссияси асосида бу икки давлат ўртасида савдони ривожлантириш учун алоқани йўлга қўйиш, шунингдек, Макка сафари учун Россия орқали Усмонийлар ҳудудига ўтиш масаласини ҳал этиш мақсад қилинган [8: 178–179]. 1780 йил июнида ҳажга йўл олган бухороликларнинг Россия ҳудуди орқали Усмонийлар давлати ҳудудига тўсиқларсиз ўтиб кетишлари учун императордан рухсат сўрайди. Элчининг бу илтимосига ижобий жавоб берилган ҳамда унинг ўзига пойтахтдан йўлга чиқиб, Херсон, Қора денгиз орқали Истамбулга бориши учун барча шароит яратилиб, Усмонийлар давлати ҳудудига ўтказиб юборилган [4: л.60, 73; 11: 10].

1780 йилнинг октябрь–ноябрь ойларида Эрназар элчи Усмонийлар давлат вазири билан сиёсий, савдо масалаларида музокара олиб боради. Афсуски, у ўзининг шахсий нияти – ҳаж амалларини бажариш учун йўлга чиқиб, 1781 йилнинг сентябрида Маккага етиб боролмай Туркиянинг Куня йўлида касалланиб вафот этади [7: 107].

Ўз пайтида бу масалага доир тарихий маълумотларни ўрганган ва таҳлил қилган Ҳ. Зиёевнинг ёзишича, Бухоро хони Абулғози Муҳаммад Баҳодирхон Россия императорига мактуб жўнатиб, элчи Мулла Эрназарнинг Усмонийлар давлати ҳудудига муносиб кузатиб қўйгани учун миннатдорчилик билдирган экан [9: 34].

Мазкур ҳужжатларда яна 1782 йилнинг 18 июнида, яъни Мулла Эрназар вафотидан бир йил кейин Москвада қолган унинг иниси Авазберди Мақсуд ўғли ҳам Россия ҳукмдоридан ҳаж сафари учун изн сўрагани ҳақидаги тарихий маълумотларни ўқиш мумкин. Қизиғи шундаки, у аслида расмий элчи бўлмай, Бухородан акасига қўшилиб келгани, элчилик аллақачон Россия ҳудудидан чиқиб кетганига қарамасдан, акасининг ҳажга

доир миссияси вазифасини бажаришда давом этган. Чунончи, Россия империяси Ташқи сиёсати давлат архивининг Авазберди Мақсуд ўғлига оид ҳужжатлар тўпламида ёзилишича, у Россия давлати ташқи ишлар коллегиясига мурожаат қилиб, Москва, Қозонь, Оренбург каби шаҳарларда бўлган бухороликларнинг Макка зиёрати учун Россия орқали эркин йўналишларини таъминланишини сўраган. Мурожаатга ўзи билан ҳажга отланган Москвадаги 21 нафар бухороликлар исмларининг қуйидаги рўйхатини ҳам илова қилган:

1. *Авазберди Мақсуд ўғли,*
2. *Мирсалим Мирабдул ўғли,*
3. *Ражаб Аширбоқий ўғли,*
4. *Ўзбекхўжа Муҳаммадхўжа ўғли,*
5. *Абдураҳмонбек Олтинбек ўғли,*
6. *Муҳаммадсалим Ашурмуҳаммад ўғли,*
7. *Оллоҳқул Худойқул ўғли,*
8. *Файзуллоҳ Авазберди ўғли,*
9. *Қурбон Оллоҳқул ўғли,*
10. *Шоин Замон ўғли,*
11. *Абдуҳолиқ Шайхдўст ўғли,*
12. *Мўминжон Мирсолиҳ ўғли,*
13. *Некқадам Абдул ўғли,*
14. *Бобошиҳ Раҳимшиҳ ўғли (Бобошайх, Раҳимшайх – Г.Т.)*
15. *Асан (Ҳасан – Г.Т.) Содиқ ўғли,*
16. *Абдуллоҳхўжа Муҳаммадхўжа ўғли,*
17. *Қурбон Мўмин ўғли,*
18. *Белил Ашур ўғли,*
19. *Хўжа Боқи ўғли,*
20. *Қурбонбой Раҳим ўғли,*
21. *Вафошоҳ Арабшоҳ ўғли* [3: л. 1, 2].

Россияга Мулла Эрназар Мақсуд ўғли бошчилигидаги элчилик миссияси таркибида келгани боисми ёки ҳурматли элчига қариндош эканиданми ва ё бизга номаълум бошқа сабабданми унинг бу илтимоси ижобий ҳал қилинади. Ҳатто, унинг бу мурожаати билан Оренбург, Қозон, Азов, Киев, Новосибирск губерняларига ва чегара постлари бошлиқлари номига ўртаосиёлик ҳаж зиёратчиларининг қийинчиликсиз ўтиб кетишларини таъминлаш мазмунидаги буйруқлар жўнатилади [3: л. 8, 9, 10]. Бундан Авазберди Мақсуд ўғлига нисбатан ҳукумат томонидан катта ҳурмат кўрсатилганини кўриш мумкин.

Авазберди Мақсуд ўғли мурожаати асосида чиқарилган мазкур буйруқ орадан тўрт йил ўтиб ҳам қайсидир маънода ўз кучида қолганини архив ҳужжатлари тасдиқламоқда. Архив фондидаги 1785 йилнинг 3 сентябр–21 октябр кунларига доир ҳужжатлар орасида Сибирь, Уфа губернатори генерал-поручик барон Осип Андреевич Игелстром (1737–1823) билан Ташқи ишлар коллегияси ўртасидаги ёзишмалар мавжуд. Улардан бирида Бухородан Оренбургга келган Неъматулло Назирмуҳаммад ўғли исмли шахснинг Россия ҳудуди орқали Макка шаҳри зиёратига ўтиб кетиш учун губернатордан рухсат сўрагани қайд этилган. Ҳужжатда унинг исми Авазберди Мақсуд ўғли томонидан тўрт йил олдин тақдим этилган рўйхатда кўрсатилмаганлиги айтиб ўтилиб, шундай бўлса-да, унинг Россия ҳудуди орқали Маккага бориб келишига ижозат берилганлиги баён қилинган [3: л. 31, 34].

Дарҳақиқат, юқорида таҳлил қилинган архив ҳужжатларидаги маълумотлар гарчи Мулла Эрназар Мақсуд ўғлининг ўзи Маккага етиб боролмасдан, бешинчи фарз – ҳаж амалини адо этишга улгурмасдан вафот этган бўлса-да, у бошчилигидаги элчилик миссияси олдига қўйилган вазифасини – Ўрта Осиё мусулмонлари учун Россия шаҳарлари орқали ҳаж сафарини амалга оширишга рухсат олиш вазифасини тўлиқ бажарганини кўрсатади. Тадбиркорлиги, билими ва дипломатик салоҳияти унинг вафотидан кейин ҳам Ўрта Осиё ҳаж зиёратчиларининг бу имкониятдан анча муддат фойдаланишига замин яратган.

Юқорида келтирилган архив ҳужжатларининг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради, *биринчидан,* Ўрта Осиё ҳукмдорлари ўз фуқароларининг Макка зиёрати учун қўшни давлатларга, хусусан, Россия шаҳарларидан ўтишларини сўраб тез-тез элчи жўнатиб турган. *Иккинчидан,* бу элчилар қанчалик маҳоратли дипломат бўлишмасин ёки ижозат берилишини қаттиқ туриб, “қўярда-қўймай талаб қил”масинлар, бу илтимослар давлат манфаатига зид келса, у ижобий натижа бермаган. *Учинчидан,* 1751–1762 йиллар оралиғида Ўрта Осиёдан келган элчиларнинг бундай мазмундаги илтимослари рад этилган. Бухородан келган элчи Мулла Эрназар Мақсуд ўғлининг бу борадаги ҳаракатини ана шу ўн бир йиллик давр мобайнида биринчи натижа берган элчилик, деб қабул қилиш мумкин.

Эрназар ва Авазберди Мақсуд ўғилларининг бу масалага оид юритган фаолияти ҳақида маълумот берувчи архив ҳужжатларини тадқиқ этиш XVIII асрда Ўрта Осиё давлатлари элчилик тарихини, Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги дипломатик, иқтисодий алоқаларни, Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж йўллари йўналишларини янада кенгроқ ўрганиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архив Внешний политики Российской империи (АВПРИ), ф-125, Сношения России с Хивой, опись-1, д-3.
2. Архив Внешний политики Российской империи (АВПРИ). Ф-109/1, Сношения России с Бухарой, опись-1, д-2.
3. Архив Внешний политики Российской империи (АВПРИ) Ф-109, Сношение России с Бухорой, опись- 2, д-11.
4. Архив Внешний политики Российской империи (АВПРИ). Ф-109, Сношение России с Бухорой, опись- 2, д-3.
5. Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индейских торговых связях. Ташкент. 1964.
6. Веселовский П. Очерк историчеко-географических сведений о Хивинском ханстве. От древнейших времен до настоящаго. Санкт–Петербург, 1877.
7. Васильев А.Д. Знамя и меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). Москава. 2014.
8. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII–первой половине XIX века. Ташкент, 2005.
9. Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, 1962.
10. Михалева. Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиаткими ханствами через Оренбург. Ташкент. 1982.
11. Яковлев. Мулла Ирназаръ Максютовъ, посланникъ Бухарский // Сибирский вестник, Ч-1. Санкт–Петербург, 1824. С. 7–10.

Г. Таниева

Эрназар Мақсуднинг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти
(Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида)

Ўрта Осиё мусулмонлари ўрта асрларда ҳажга уч йўналишда: Шимолий – Россия империяси орқали, Марказий – Эрон ҳудуди орқали ва Жанубий – Ҳиндистон ва араб денгизи орқали ўтган йўллар билан Маккага етиб олган. Шу боис, ҳаж йўли масаласи Ўрта Осиё давлатларининг Эрон, Ҳиндистон, Россия ва Усмонийлар империяси билан ўзаро элчилик муносабатларида ҳам ўз аксини топган. Давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий манфаатларидан келиб чиқиб, ўртаосиёлик зиёратчиларининг бу йўллардан Макка томон ҳаракатланиши учун баъзан рухсат этилган бўлса, айрим вақтларда таъқиқ қўйилган. Зиёратчилар қатновининг қандай

бўлиши кўпинча давлатлар ўртасидаги халқаро элчилар хизматига боғлиқ бўлган. Ҳаж йўлларида зиёратчилар қатновидаги турли таъқиқ ва тўсиқларни бартараф этиш масаласида ўртаосиёлик элчилар фаол бўлганлар ва бу ҳақдаги маълумотлар тарихий ҳужжатларда сақланиб қолган.

Бу даврда мазкур давлат ҳукмдорлари ҳузурига ҳатто бошқа масалалар юзасидан жўнатилган элчилар аксарият ҳолда Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж йўли масаласида ҳам музокара олиб борган. Ана шундай моҳир элчилардан бири, XVIII асрда яшаган бухоролик йирик савдогар Эрназар Мақсуд ўғли бўлиб, у Россия империясига бир неча бор расмий элчи сифатида жўнатилган. Мақолада унинг элчилик фаолияти мисолида ҳаж йўли масаласининг халқаро миқёсда қандай ҳал этилгани таҳлил қилинди. Элчининг шимолий ҳаж йўлига оид Россия императорлари билан олиб борган музокаралари ва уларнинг натижалари тарихига Россия империяси Ташқи сиёсат архивида (АВПРИ) сақланаётган ҳужжатлар асосида ёритилди. Мақоладаги илмий хулосалар XVIII асрда Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги дипломатик, иқтисодий алоқалар, Ўрта Осиё давлатлари элчилик муносабатлари, Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж зиёрати тарихи ва ҳаж йўллари йўналишлари масалаларини янада кенгроқ ўрганиш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: *Ўрта Осиё, Ўрта Осиё хонликлари, ҳаж, Макка, зиёратчилар, Россия империяси, элчи, мусулмонлар, дипломатия, Эрназар Мақсуд ўғли, архив, XVIII аср, ҳаж йўллари, Астрахань, ислом.*

Г. Таниева

Посольская деятельность Эрназара Максуда в вопросах направлениях хаджа
(на основе документов Архива внешней политики Российской империи)

В средние века среднеазиатские паломники добирались в Мекку тремя направлениями: Северная – через Российскую империю, центральная – через территории Персии и южная – по дорогам через Индию и Аравийское море. Поэтому вопрос о направлениях хаджа тоже нашел своё отражение в дипломатических переписках Среднеазиатских ханств с Персией, Индией, Российской и Османской империями. В зависимости от политических, экономических и идеологических интересов этих государств иногда паломникам давали разрешения для направления в Мекку через их территории, а иногда нет. Степень интенсивности движений направления паломников, в большинстве случаев, зависела от деятельности межгосударственных послов. В вопросе устранения различных запрет и

преград в движениях паломнических дорогах хажда среднеазиатские послы были активны и исторические документы раскрывают нам эти данные.

В этот период среднеазиатские послы, которые были отправлены даже по другим вопросам на приём правителей этих государств, в большинстве случаев вели переговоры и по вопросам направления хаджа среднеазиатских паломников. Одним из таких дальновидных послов был крупный купец из Бухары, живший в XVIII веке, Эрназар Максуд огли, который несколько раз официально был послан в Российскую империю. В статье проанализировано каким же путем решались проблемы дороги хаджа на международном дипломатическом уровне на примере его посольской деятельности. История переговоров посла с российскими императорами по вопросам северного направления дороги хаджа и их результатов освещена на основе документов, хранящихся в фонде Архива внешней политики Российской империи (АВПРИ). Научные выводы данной статьи послужат материалом для обширного исследования вопросов дипломатических и экономических отношений между среднеазианскими ханствами и Российской империей в XVIII в, раскрывающие историю посольских связей ханств и историю паломничества хаджа среднеазиатских народов и особенности направлений дорог из Средней Азии в Мекку.

Ключевые слова: *Средняя Азия, среднеазиатские ханства, хадж, Мекка, паломник, Российская империя, посол, мусульмане, дипломатия, Эрназар Максуд огли, архив, XVIII век, дороги хаджа, Астрахань, ислам.*

G. Tanieva

Ernazar Maqsud's ambassadorial efforts regarding hajj routes
(based on the documents of the Foreign Policy Archive of the Russian Empire)

During the medieval period, Central Asian pilgrims traveled to Mecca in three directions: (1) the northern direction: through the Russian Empire, (2) the central direction: through the territory of Persia, and (3) the southern direction: through India and the Arabian Sea. Consequently, the question of hajj routes was discussed in diplomatic correspondence between the Central Asian Khanates and Persia, India, the Russian and Ottoman empires. Depending on the political, economic and ideological interests of these states, pilgrims were sometimes permitted to travel to Mecca through their territories and sometimes not. In most cases pilgrimage depended on ambassadorial efforts. Historical sources reveal that Central Asian ambassadors played an important role in regulating various prohibitions and obstacles pilgrims could encounter on their journeys.

During this period, the Central Asian ambassadors, who were sent as envoys to the presence of foreign rulers, negotiated on hajj routes on behalf of Central Asian pilgrims. One of such far-sighted ambassadors was a rich merchant from Bukhara, who lived in the 18th cen. and was named Ernazar Maqsud ogli. He was officially sent to the Russian Empire by the Central Asian rulers several times. Based on the example of this ambassador's efforts, the present article analyzes the ways how hajj routes were solved at the international diplomatic level. The article describes the history of negotiations between Ernazar Maqsud and the Russian emperors concerning the northern direction of the hajj route and its results based on the documents stored in the collection of the Foreign Policy Archive of the Russian Empire (AFPRE). The conclusions of this article help better understand the issues of diplomatic and economic relations between the Central Asian Khanates and the Russian Empire in the 18th century, describing the ambassadorial history of the Khanates, the history of pilgrimage of Central Asian population and the features of hajj routes from Central Asia to Mecca.

Keywords: *Central Asia, Central Asian Khanates, hajj, Mecca, pilgrim, Russian Empire, ambassador, Muslims, diplomacy, Ernazar Maqsud ogli, archive, 18th century, hajj routes, Astrakhan, Islam.*